
Ислоҳотлар инсон қадрини учун

Бешариқ туманидаги 35-давлат мактабгача таълим муассасаси қарийб 7,5 миллиард сўм маблағ эвазига таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этди. Мазкур масканнинг фойдаланишга топширилиши катта шодиёнага айланди. Туманнинг “Юқори Зарқайнар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ушбу муассаса 1980 йилда қурилган. Бу ерда қўшимча бинолар, спорт ва musiқа заллари қурилиб, мавжуд бинолар реконструкция қилинди. Эндиликда мазкур таълим ташкилотининг имконияти 360 ўринга етказилди.

2024-10-12 10:42:39